

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 25 декабрь  
сешанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 261 (2823)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## «ХОРАЗМШАКАР» ДА ҚЎШМА КОРХОНА

«Хоразмшакар» давлат корхонаси республикамизнинг кенжа корхоналаридан бири ҳисобланади. Корхона йилига 400 минг тонна қанд лавлагини қайта ишлаб, 45 минг тонна шакар тайёрлаш қувватига эга.



Бу ерда ташкил этилган Америка—Ўзбекистон қўшма корхонаси ёрдамида хомашёдан шакар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда «Хоразмшакар» давлат корхонасида 2000 дан зиёд ишчи ва хизматчи халқимиз дастурхонининг тўқинчилиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулот барчага манзур.

СУРАТЛАРДА: қadoқлаш цехи ходими Мақсуд Сутонов; фильтрлаш ва маҳсулот қуриши цехларида иш қизғин.

Рўздат ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## ЎЗБЕКИСТОН

### ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Афғонистон Муваққат маъмуриятининг таклифига биноан, ташқи ишлар вазири А.Комиллов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси шу йил 22 декабрда куни Кобулда Президент Б.Раббонийнинг мамлакат Муваққат маъмурияти раҳбари Х.Карзайга ҳукумат ваколатларини топшириш маросимида иштирок этди. Ташриф доваимида Ўзбекистон делегациясининг Х.Карзай, Б.Раббоний, Афғонистон ташқи ишлар вазири А.Абдулло ҳамда ушбу маросимда иштирок этган Эрон, Покистон, Бельгия ва бошқа мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Афғонистоннинг янги раҳбари Афғонистонда тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлагани ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлида олиб бораётган сиёсати учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга миннатдорлик билдирди. Х.Карзай ўзи бошқараётган маъмуриятнинг қўшни Ўзбекистон билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга бўлган қатъий интилишини изҳор этди.

«Жаҳон» АА, Нью-Йорк.

## Насиба — Президент асарлари билимдони

Халқ таълими вазири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ташкил этган «Президент асарларининг билимдони» талови якунида. Талов ёшлар оғинга ватанпарварлик, юртимизнинг тарихини, ўқувчиларга «Миллий истиқлол гоёни ва маънавият асослари» фанини чуқурроқ ўзлаштиришга қўмаклашишни мақсадли ўтказилди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг асарлари ўзининг буюк келажаклини қўраётган халқимиз учун муҳим

дастуридалам бўлиб хизмат қилмоқда. Бу асарларда мамлакатимиз мустақиллик йилларида босиб ўтган бунёдкорлик йўли теран таҳлил этилган, юртимиз раёнақи, халқаро, минтақавий ва ички муаммоларини ҳал этиш йўллари аниқ белгилаб берилган. Талов якунига қўра қўрақолган Республикаси Нукус шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Насиба Қулобегеренова галиб деб топилди. Унга махсус соврин топширилди.

Насолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

## БИЗНИНГ СЎРОВНОМА

1. Якунидаёвдан йилда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган қайси энг муҳим воқеалар ва ўзгаришлар ёдингизда қолди? Сиз раҳбарлик қилаётган жамоа уларга қай даражада ҳисса қўшди, деб айта оласиз?
2. Янги — 2002 йилнинг бошланғичи ҳам саноқли куллар қолаётган. Бугунги кунда, сизнингча, республикамиз иқтисодийнинг янгида жодор ривожланишига тўқинлик қилаётган қанча муаммолар мавжуд? Бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун қандай аниқ таклифларини билдиришни истардингиз?



## ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАЛИТИ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА!

Шокир ЭШМУРДОВ, Шўртан газ-кимё мажмуи полистилен цехининг бошлиғи:

1. 2001 йил 20 декабрь. Бу кун менинг ёшимда бир умрга муҳрланди қолади. Чунки шу кунни вилоятимизда Шўртан газ-кимё мажмуининг халқаро намуни бўлиди. Маросимда Президентимиз Ислам Каримов нуқт сўзлади. Тоғемдан ўрғайлаш, менга давлатимиз раҳбари билан учрашни, қўла олиб, қўла бериб сўрашни, саволларига жавоб қайтариши бахти насиб этди.

Ҳамдустлик мамлакатларида тенги йўқ бу корхонанинг ишга туширилиши республикамиз халқ ҳужалини учун жуда катта аҳамиятга эга. Бир мисол. Дунё бозорига полистиленга талаб катта. Бироқ шу пайтгача у юртимизга валюта ҳисобига четдан олиб келинади. Энди эса ўзимизда чиқарилади. Цехимизнинг ишлаш қуввати 125 минг тонна. Демак, у ички эҳтиёжни тўла қондириб олаётган, ҳатто экспорт ҳам қилинади.

Бундай бирок ишоотини қуриш осон бўлмади. Бунга ўзим ўрғайди. Унинг қозни қоқиб, биринчи пайти қўйилгандан бери шу ерда ишланган. Ҳудуд ҳоҳласа, шунча қилинган меҳнат машаққатининг роҳатини кўради. Шундай улуғ ишлар амалга ошган, шундай корхона ишга тушган кун юртимизда тўғи айланганининг сабаби ҳам шу. Энди юртимиз раёнақи-га-равнақ қилиши учун жамоамиз куч-ғайратини аямайди. Айниқса, Президентимиз билан бўлган учрашунинг гайратига-гайрат қўшиб боради.

2. Маъмур саноат елантининг бунёд этилиши ўзбек иш-ти-қилари нафақат шундай улкан ишоотини қуриш, балки унинг ҳар қандай нозик технологик жараёнларини бошқаришга ҳам қодир эканини яна бир бор иққол намоян этди. Бу, оқини, истиқлол берган имкониятларининг натижасидир. Ишчиликнинг таъбиқасидек, мамлакатимиз ёшлари ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишлари лозим. Демак, бундан билимнинг фақат бир муаммо — ўзларини шу рўзга тўғиладан, қамалаб оқини асирласи турибди. Шундай қилса, республикамиз иқтисодий янгида сузқараб ривожлана-верди.

Асалхон РАСУЛОВА, Олтинқул туманидаги «Намуна» ширкат ҳўжалигининг бош пурақчиси:

1. Бундай уйлаб кўрсам, ўтган ўн йил ичида ҳамма соҳада олға қараб қадам ташлабимиз. Эришилган ютуқлар ҳам қилишни қувонтиради. Янги-янги саноат объектларининг ишга туши-рилиши, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод бўлиши кимни лол қолдирмайдиган дейсиз?

Айниқса, бу йил вилоятимизда пахтачилик соҳасида мисли кўрилмаган натижаларга эришилди. Юртимизда тинч ва осуда ҳаёт ҳўж сўраётган, деҳқончиликда янгилик ва ташаббусларга кенг йўл очилгани, биз, далада ишловчиларга эъти-бор қўйилгани, меҳнатимиз қадрланиб, қадимиз тобора тил-ланиб бораётганини, менимча, барча ютуқларимизнинг омил-ларидир.

Жамоамиздан қибс: жорий йилда 46 гектар майдонда деҳқон-чилик қилиб, 149 тонна ўрнига 263 тонна пахта йиғштириб олдик. Ҳосилдорлик 57,2 центнерни таққил этди. Ушунга 163 фозни биринчи навба қабул қилинди. Муҳими, якунида 46 милли-он сўм соф фойда қўла киритилди. Буларнинг ҳаммаси биз-нинг мамлакатимиз иқтисодий тарраққийига қўшган арзи-қим ҳиссамиздир.

2. Ушунинг ҳаётий тажрибамизда бир қандага ишон ҳосил қилдим: қаерда тартиб-интизом бўлса, ҳар бир киши зияма-сига юклатилган ваъфига ишонган ёндаша, ишончи оқини учун астойдил кураса, ўша жойда тўғи ҳам, барак ҳам бўлади. Бундан ташқари, шартнома мажбуриятларига сўзсиз амал қилиниши ҳам муваффақиятлар зарови ҳисобланади. Ай-рича жойларда пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги эканларидан қишлоқнинг даражада ҳосил олмаётган экан, ўша жойларда ҳали ҳам шундай муаммолар мавжуд, деб ўйлайман. Бунга тез-да барҳам бериш зарур.

Шунинг ўзбек мамлакатимизнинг иқтисодий тарраққийи, турмушамизнинг фаровонлиги ўзимизга, меҳнатимизнинг пир-вад натижасига боғлиқлигини кўрсатиб турибди.

Утган ҳафта телевидени-емизнинг «Ахборот» дасту-рида қўй йиллардан бундан таниш бўлган бир лавҳани кўрсатишди. Мамлакатимиз-нинг ақлақайси қишлоғида гаула майсаларини чорва моллари пайхон қилибди. Бу ҳолини назоратчилар аниқлашибди, тасвирга туширишибди ва «бешош-молларни сўйиб, гўштини кам таъминланган хонадон-ларга тарқатишибди. Бу манзарани кўрганда кўнглимдан алланечук фикрлар ўтди. Ахир экин-ларини пайхон қилишга қарши кураш бошланганга неча йил бўлди? Биргина шу борада тартиб ўрнати-шимиз учун неча марта Фармон қабул қилиниши, қанча қарор чиқариш зарур? Пешона терн эвазига тайёрланган далага экинган уруғ, томчиш тиллога тенг сув бериш орқали ундирил-ган майсалар обект бўлиши оқини-оқибатда менга, сизга, унга — ҳамма-ҳаммага зибн эканлигини

«айбдор» мол эгаларига қандай чора кўрганигини айтишади. Гўв уларнинг иш фаолиятида бу курсаткич — асосий натижа! Уша рақам қанча юқори бўлса, иши шунча кўзга кўринади. Лекин бундай ҳолатнинг олдини олиш учун нечта одамнинг оғинга таъсир қилинди? Бу ҳақда ҳеч қайси маълумотда белги йўқ. Молларнинг далага эркин ҳайдаб қўйилиши, афсуски, ишга бўлган муносабати-мизни акс эттириб келаяпти. Наҳотки, шу оқини масалада ўз уйимизда ўзимиз тартиб ўрнатолмасак? Бунинг учун шафқатсиз чоралар эмас, балки ҳар бир одамга масала моҳиятини тушуни-риш муҳимдир. Модомки, белгиланган тартиб йиллар мобайнида бузилиб келаёт-ган экан, демак, уни ҳўжам тушуниб етмабимиз. Кўнглимиз шу савол ўртади: қачон тушунамиз, қачон? Шўхрат ЖАБОРОВ.

## Комиссия мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Макронтиқсониде ва статис-тика вазиригада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзирги аҳволи ва унинг 2002-2005 йилларда ва 2010 йилгача бўлган даврада ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги масала кўриб чи-қилди. Ушбу масала юзаси-дан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.Баҳ-ромов маруза қилди.

(Давоми 2-бетда).

## Обуна — 2002

## ПОЧТАЧИ КЕЛГАН ХОНАДОН

### МАЪРИФАТЛИ БЎЛАДИ

Баҳмал тумани ҳўкимининг ўринбосари Шерофиддин Каримовнинг асл касби — журналист. Шу тўғида у айтаётган гапининг ҳам, берилаётган ваъдого, сўзла-наётган нуқт, бировлар лут айтаётган каломининг ҳам «таъминини жуда яхши билади. Айниқса, у газета-журналларнинг, уларда қўй элган мақолаларнинг салмоғи, сифати ва соҳобияти ҳўсурида кўп йўли фикрлар айтиди. Унинг бу фазилатлари ҳўкимиятда ишловчи бошқа кишиларга ҳам «юққан».

Бу эса ўз навабига Баҳмал туманида обуна мавсу-мининг муваффақиятга яқин топшига олиб келди. Ҳўкимиятдагилов ҳам, тартиботу ташкилотчилар ҳам, шунингдек, почта ходимлари ҳам тиним билмай иш-лашди. Жумладан, «Халқ сўзи»га 213 газетхон обуна бўлди.

Дарҳақиқат, нафақат Баҳ-малда, балки Жиззах вилоя-тида бу йил обуна мавсуми анча яхши олиб борилди. Бун-да вилоят раҳбарининг ай-тиб ўтмаси бўлмас. Зеро, маъ-рифатли юмушти маърифатли инсонгина ана шундай бел-боғлайди. «Халқ сўзи» ҳам, «Нарононое слово» газетаси да-ма, анкиорки, уларнинг газе-таларинизга бўлган меҳр-му-ҳаббатлари оқини қарор-дорлар. Умида қиламизки, янги йилдан бошлаб жижзах-лик чўлуқларлар ҳаёти, тур-муш тарзи, бунёдкорликлари ҳар иккала газета саҳифа-ларидан муқим ўрни олади.

— Қарши, Касби, Шаҳри-саба туманларига обуна мав-суми қилини келди, — деб ха-барлабди газетамизнинг Қаш-қадар вилояти бўйича мух-бири Нарзулла Рашидов. — Умуман, бу йил утган йил-лардаги нисбатан вилоятда қизқикши катта. Ваҳоланки мамлакатда ҳам, вилоятда ҳам газеталар кўп нашр қилина-ди. Одамлар нашрдан нашр-нинг фарқини англай бош-лашди, чамамда. Бугун улар-га беш панжадай аён: қайси бир газета одамларнинг дар-ди, бутуни, эртасига даҳлдор муаммоларини айтди ва унинг ечимлари тўғрисида бош қоти-радиган фикрларни ўртага ас-ради. Ҳар генерални еки амал-дорининг фойхилари ҳақида сўзлайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қанчақадарликлар-нинг аксарияти «Халқ сўзи» тарафиди.

— Биласизми, — дейди тах-ририятимизга кўнгирак қил-ган самарқандлик газетхон Тах-тир Сағдиров. — Италия 6300 км, Германия 4700 км, ҳатто

ҳам шикоят бўлмади. Демак, ҳар иккала ташкилот ҳам обу-на мавсумидаги барча манфи-ти ва мусбат томонларини тўғи ҳисоб-китоб қилиб чиқилган. Ҳўш, биз мамлакатимиз-нинг барча ҳудудларида ҳам мухлисларимиз кўпайди, деб айта оламизми? Афсуски, бу саволга «ха» деб жавоб бериш қийин. Жумладан, Навоий, Фарғона, Сурхондарё вилоят-ларида обуна мавсуми ниҳоят-да суст келди. Еки Навоий (56), Қизилтепа(61), Улугнор (36), Пахтабод (49), Уйчн (7), Мингбулоқ (16), Эшбон (21) туманларида (бу — 20 ле-кабргача бўлган маълумотлар) «Халқ сўзи»нинг ихлосанд-лари шунчалки қамайиб кет-ди? Йўқ, тахририятимизга келаятган хатлар оқини бу-нинг аксини кўрсатмоқда.

Биз «Халқ сўзи» ва «На-рононое слово» газеталари ҳар бир тахриркорнинг, ўқитчи-нинг, ишчи ва врачнинг, чўпон ва Ватан қўриқчисин-нинг доимий йўдошига, ёрдамчиси ва маслаҳатгўйига айланмоғига ҳарқат қилганимиз ва газеталаримизга йил бўйи обуна давом этаринини зе-латиб ўтиш билан кифояла-намиз.

Хулласе, галвир сувдан кўтарилади. Ҳўш, унда кўнун қувонтирадиган нарсга қолди-ми? Бугунги кунда ҳар бир нашр ўзига ана шундай са-вол назари билан қарамоқда ва ҳисоб-китобини қайта-қай-та чўта ташламоқда. Зеро, бу нафақат тахририятлар-нинг моддий томонлари, балки, фуқароларимизнинг маънавияти билан ҳам бесо-уста боғлиқ масалалар. Маъ-навияти бутун инсоннинг дастурхонини ҳеч қачон бўш бўлмайди.

Янги йилнинг биринчи ку-ниданоқ почтани эшигинини таққиллаб келса, бегона бўлманг. Демак, хонадон-гизга «Халқ сўзи» кўриб бо-раётган бўлади. Бу билан бирга яхши умида-истаклар, покиза ниятлар, энг муҳим тинчлик ва баракга эргашиб келаварди. Ҳа, почтани кел-ган хонадон маърифатли ва серфайз бўлади!

З.БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Иордания раҳбарияти

Иордания раҳбарияти ашбадан бош-лаб Афғонистонга ҳар-бий қўрулти кўчлар жўнатилиши бошлан-ганлигини маълум қил-ди. Қиролликнинг мах-сус кўчлари Мозори Шарифга жойлаштири-либ, Иордан ҳарбий шиқоҳонаси хавфсиз-лигини таъминлайди. Бундан ташқари, инсо-нпарварлик ёрдамини тараққийда ҳам кўнж-қондирилади. Қироллик Аф-ғонистонга ана 200 на-фар ҳарбий шиқорчи юборишни режалаш-тирмоқда, деб хабар беради «Ассошиейтед Пресс» агентлиги.

## Америка федерал айбончилари

Америка федерал айбончилари Шри Лан-ка фуқароси Париж аэропортида Америка ҳўви йўллари ашқома-қонининг қаролини са-молитни портламоқчи бўлганда қўла оли-ганини маълум қилиш-ди. Унинг бирор терри-чилик гуруҳига тегши-лигини еки яққа ҳола ҳарқат қилганлиги ҳақи аниқланмаган. (Рейтер).

## АҚШнинг ҳарбий вертолётлари

АҚШнинг ҳарбий вертолётлари келгуси ойда Филиппинга қо-лиш қўнимоқда. Улар мамлакатдаги «Абу Сайф» террорчи гуру-ҳига қарши сафарбар қилинади. Бу экстрем-истик гуруҳ ҳозирги кун-да икки миссонерини горада ушлаб тур-ибди. Вертолётлар жу-натилиши ҳақида душан-ба кун АҚШ ҲҚК те-рорист-лейтнанти Бен-жамин Дефенсор маъл-ум қилди, дейилади «Франс Пресс» агентли-ги тарқатган хабарда.

## Япония ҳарбий флоты

Япония ҳарбий флоты кемалари ик-кинчи жаҳон уруши-дан кейин биринчи марта бошқа мамла-катга тегшли бўлган суа кемасини чўқтириб юборди. Япония кир-гоқларини қўриқлаш хизмати вақилларин-нинг хабарига кўра, чўқтирилган кема «Ш-молли Корвининг раз-ведчик кема»ларидан бири бўлган. Япония раҳбариятининг маъл-ум қилишича, бунга маъмур суа кемасини Япония суа ҳудудлари чегарасини бузилиши ва бўйруққа амал қилишдан бош тор-ганлиги сабаб бўлган. (Дейли Телеграф).

«Интернет» хобарлари асосида С.ДОНИЕРОВ тайёрлади.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

ЭЗГУЛИК

Бу кўна дунё не не воқеалар, не не сиру синоатлари ўз бошидан кечирмаган, дейсиз. Тинчлик ва оёйсизлик барча замоналар инсоният учун энг улуг, энг бебаҳо неъмат саналганлигини таъкидлашга ҳолат бўлмаса керак. Зеро, тинчлик билан дил яйрайди, тинчлик билан эл яшайди. Ўзингиз уйланг, зўравонлик, террор, куч ишлатиш орқали эзгу мақсадларга эришиш мумкинми? Йўқ, асло.

Президентимиз Олий Мажлисининг VII сессиясида сўзлаган нутқида халқаро терроризм ва унинг моҳияти ҳақида фикр юритаркан, ён кўшимиз — Афғонистонда юз бераётган воқеаларга яна бир бор эътиборни қаратди. Дарҳақиқат, терроризмга қарши кураш, уни тағ-томири билан йўқотиш инсоният олдигаги долзарб масалалардан биридир. Юртбошимиз нутқи ҳамда Олий Мажлисининг ўзбекистон халқига Мурожаатида баён қилинган антиқийр фикр-мулоҳазалар дунёда тинчлик ва оёйсизликнинг сақлаш учун ҳар кун, ҳар сония оғоҳ бўлишга даъват этади. Тарих гилдираги орқага қайтмайди. Ҳар қандай эзгу куч миллионларнинг ирода ва матонати олдига ожиз. Узоққа бормайлик. 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида

амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари америкаликларда кўркүв ёки ваҳима ҳиссини эмас, аксинча, узаро бирдамлик ва ҳамжихатликни мустақамлаганига ўзим гувоҳман. Уша муҳиш воқеалардан йигирма кун ўтар-ўтмас, бир гуруҳ ҳамкасблар

ҲАМИША

рим қатори уч ҳафта мобайнида ушбу мамлакатда бўлдим. Сафаримиз унутилмас учрашувлар, мазмуни таассуротларга бой бўлди. Олимлар, журналистлар, оддий америкаликлар билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг ҳар икки мамлакат — АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларга бефарқ эмаслигини ҳис қилдик.

Бошқача айтганда, халқаро терроризм, бу масалада Ўзбекистоннинг аниқ йўли ва позицияси, умумий ҳафтага қарши курашда ўзаро ҳамкорлик ҳусулида фикр алмушувлар мулоқотларимизнинг асосий мазмуни ташкил этди. Зотан, тинчлик ва тараққиётдан барча манфаатдор. Жаҳондаги эрксевар халқлар шуни истайди. Тўғри, террорчилик ҳуружда кейинги дастлабки кунларда америкаликлар ўртасида анчайин бесаранжомлик ҳолатлари кузатилган. Энди манзара тамом бошқача. Биз, чуночки, Вашингтон Нью-Йорк шаҳарлари, Миссисипи, Аризона штатларида жўшиқ мейнат ва бунёдкорликнинг гувоҳи бўлдик. Ҳаёт бир маром-

да давом этмоқда. Одамлар кундалик юмушлари билан банд. Буларнинг ҳаммаси кўркүв ва таҳлика орқали инсон иродасини сиңдириш мумкин эмаслигига жонли далил эмасми?

АҚШ оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг терроризмга муносабати, унга қарши курашда мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйил-

сўзлаб берганимизда, суҳбатдошларимиз беҳад мутаассир бўлишди. Узаро мулоқотлар жараёнида Америка жамоатчилиги ўзбек халқи ва Ўзбекистон ҳақида анча кенг маълумотга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Чуночки, Вашингтондаги Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти директори Чарлз Фэйрбанкс АҚШ Афғонистондаги террорчиларга нисбатан муносабатини белгилашда Марказий Осиё, ҳусусан, Ўзбекистонга алоҳида эътибор бериши кераклигини ўқтирди. Бундай илқ фикрларни бошқалардан ҳам эшитдик.

Очиги, мустақилликка дунёда Ўзбекистон деб аталган гузал, бетақорор юрт борлигини кўпчилик билмас эди. Бугун эса у жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, тараққиёт ва ёрқин истиқбол сари

ҒОЛИБ

ди. Локал 1999 йил 16 февраль воқеаларини, Ўзбекистон мустақиллигига раҳна солмоқчи бўлган террорчи тўдаларнинг ёвуз қилмишларини эслайлик. Мамлакатимиз Президентини И. Каримов халқаро терроризм ва уни маблағ билан таъминлаётган нарқобизнес ўқкорларини йўқотиш, умумий ҳафтани бартараф этиш учун куч ва имкониятларини бериштириш борасида собитқадмлик билан курашиб келаётганлиги дунё ҳамжамиятига яхши маълум. Биз ана шулар ҳақида

дадил қадам ташламоқда. Шу ҳақда уйлариқанман. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» китобида қайд этилган куйдаги сатрлар беҳитиёр ёдимга тушади: «Ўзбекистон дунё учун очик. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Биз эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши қафолатдир».

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ, «Самарқанд» газетаси муҳаррири.

Байрам дастурхонига

Республикамиз пойтахтида Янги йил байрами олдидан ўтказилган анъанавий савдо ярмаркаси ўз ишини бошлади. Ун кун давом этадиган ушбу ярмаркага андиқонликлар 235 тонна савзавот, 100 тонна мева, 40 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари келтирилган бўлсалар, фарғоналик соҳибқорлар 225 тонна савзавот, 70 тонна узум ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилишади.

Болаликнинг бөгбўр олами

Умринг энг бөгбўр палласи болаликдир. Республика болалар ижодий марказида очилган кўргазми томоша қилсангиз, гўё олис болаликнингизга қайтгандай бўласиз. «Итали таассуротлари» деб номланган ушбу кўргазмадан ёш мусавирларнинг эликдан ортик асарлари ўрин олган. Бу ёш мўйқалам усталарининг қиймати Италияда бўлиб ўтган болалар ижодий халқаро фестивалидан олган таассуротлари нағжасидир.

Янги коллеж

Олоғтада қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг янги, замонавий биноси 54 та ўқув-лаборатория хоналари, 321 ўринли мажлислар зали, 224 ўринли ошхона ва 100 ўринли ётоқхонадан иборат. Бу ерда 750 нафар олотлик ёшлар касб-ҳунар эгалламоқдалар. Коллежда яқин келажакда Осиё тарққиёт банки кўмағида энг замонавий ўқув техникалари келтирилиши кўзда тутилган.

Комиссия мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маърузада таъкидланганидек, ҳукуматнинг иқтисодий ислоҳ қилиш сисэати айрим товар бозорларининг монополашувини камайтиришга ёрдам бермоқда. 1996 йилдан 2001 йилнинг 9 ойига қадар монополиячи корхоналар сонини 827 тадан 736 тагача еки 11 фоизга камайдди. Аини пайтда монополия маҳсулоти миқдори ҳам 2 бараварга камайдди. Монополия маҳсулотининг янги ички маҳсулот ҳажмидаги улуши эса кейинги йилда 25,7 фоиздан 21,7 фоизга тушди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, монополашувининг турли даражаси ва шакллари товар бозорларининг ҳозирги ҳаволига ҳосилар.

Ҳукумат томонидан ички инвестиция сисэати олиб борилаётгани ва тадбиркорлик ривожлантириладигани тўғрисида истеъмол бозорига, озиқ-овқат ва энгил санаатда рақобат анча кенгайди.

Бироқ иқтисодийнинг базавий соҳаларида монополия муаммоси долзарблигига қолмоқда. Зеро, кўпгина корхоналар айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчи монополия ҳисобланади. Бу асосан металлургия, машинасозлик, кимё, қурилиш материаллари соҳасига тегишли.

Табиий монополиялар соҳаларининг маҳсулот ва хизматлар бозорига эса монополия масаласи бутунлай ўзгача. Ушбу соҳаларда рақобатни ривожлантириш самарасизлиги боис, бу жараён, ҳусусан нарх-наво давлат томонидан тартибга солиномоқда. Маҳсулот бозорларида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, табиий монополиялар фаолиятига бозор тамойилларини таътир этиш шароитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан таътирлик ва идоралар билан ҳам-

корликда 2002-2005 йилларда рақобат муҳитини шакллантириш дастури ишлаб чиқилди.

Рақобат муҳитини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларини яратиш, товар бозорларида хўжалик юритувчи субъектларнинг монополия фаолиятини теклаш ва олдини олиш, монополия тузилмаларини тугатиш, бозорда рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтириш орқали товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароит яратиш воситасида хўжалик субъектлари томонидан

Товар бозорларида монополия фаолиятини теклаш ва рақобатни ривожлантириш тўғрисида, Табиий монополиялар тўғрисида, Истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ва Реклама тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг сўзсиз бақарилишини таъминлаш мақсур дастурининг мақсади.

Товар бозорлари монополашувининг турли даражасини инобатга олиб, Дастурда рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга даража-лаштирилган ёндашув кўзда тутилган.

Табиий монополиялар ва иқтисодийнинг базавий тармоқлари соҳаларида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, табиий монополиялар фаолиятига бозор тамойилларини таътир этиш шароитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан таътирлик ва идоралар билан ҳам-

полиячи корхоналарнинг бозор шароитига мос хатти-ҳаракатлари устидан назорат ўрнатилиши, хўжалик субъектларининг берилашини ҳамда монополия уюшмалари ва корхоналари ташкил топишининг олдини олиш, бозорга чиқариш учун тизимкорликни камайтириш ва бозор шитроқликларини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар, биром рақобатнинг олдини олиш;

ривожланган рақобат бозорлари бўйича — рақобатнинг эришидан даражасини сақлаб қилиш мақсадида ишлаб чиқаришнинг марказлашуви суръатлари ва етакчи хўжалик юритувчи субъектлар ҳолатининг ўзгаршини кузатиш.

Хусусийлаштириш жараёни, иқтисодийнинг тадбиркорлик секторини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда рақобатни ривожлантириш мақсадида давлат бозорлари идоралари, жойлардаги ҳокимият идоралари, монополияга қарши идоралар ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш идоралари федерациясининг ҳамкорлигидаги ҳаракатлари мақсур дастури назарда тутилган.

Муҳокамада марказий иқтисодий идоралар, иқтисодийнинг базавий тармоқлари раҳбарлари шитроқ этиди. Муҳокама якунига кўра рақобат муҳитини кенгайтириш ва товар бозорларида истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайдиган 2002-2005 йилларда ва 2010 йилгача бўлган даврда рақобат муҳитини шакллантириш Дастурини тақомиллаштириш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда комиссиянинг 2002 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқланди.

(Ў.А.)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 25 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек боже-хона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан кўйидаги қийматини белгилади:\*/

Table with 2 columns: Currency and Exchange Rate. Includes entries for Australian Dollar, Swiss Franc, Japanese Yen, etc.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақсур валюталарни ушбу қийматда со-тиши ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

Публицистика

Ўтган ҳар бир йилни ўнча сарҳисоб этиш — ҳаммага ҳос ҳислат. Аслини олганда, бу табиий унинг барча жиҳатлари оқл таразасидан ўтказилади, маълум ҳулосалар қилинади.

2001 йил ҳам низоҳасига етмоқда. Янги, XXI асрнинг илк йили тақвими саҳифалари тез орада ёпилади. Шу йил мобайнида кўрган-кечирганларимиз хотирлай бошла-сам, энг аввало, Она юртимиз бўйлаб кўп сафарларга бўлдим. Қамчиқ довоини кесиб ўтган машҳур Фарбу Шарқ «Илак йўли»миздан тортиб, юзлаб шоҳобчаларга таралиб кетган неча-неча қишлоқ сўқмоқларига... Айниқса, кўпдан хаёлимни забт этиб юрган Томди яйловларини кезганим, маъаналар қайнаган Зарафшон замини ва унинг Оқ тоғлари ила юзма-юз бўлганим, Қорақалпоғистоннинг одис Қўнғиротидаги кўнгила яқин учра-шувлар, Уст-юртнинг теп-текис, оппоқ саҳни, харитаво дарсликлардан билганимиз — Турон пастиқсидилиги деб аталмиш мўйқиза билан дучлашу-ву, Аёз-Қалъа тепасидаги ўтовларда шоширилган қимиз, Оқча кўлининг оқшом-ги нури тошанини, Форишу Бахмал, Чортоғу Навоий видеога кенгликларидеги суҳбат-мулоқотлар асло унутилмаслар. Икки чўйини қўқ-белда тикланган икки муҳ-ташам қозона, янги Элак-Қалъа туманининг Ўзбекистон шаҳри ва Томдида қурилган лайиҳа, коллеж биналари ўта замонавийлиги ва метормон ижроси билан кўз олдидан кетмайди.

Гарнида ёш авлод камали учун мамлакатимизда бунёд этилаётган бундай йлму фан, касб-ҳунар даргоҳлари барча туману вилоятларда юзлаб маъвуқ бўлса-да, шу иккинчи вужудимга чўқур ўрнашиб қолди. Ҳазилкам таълим, бу икки мармар қаср истиқолалирини ёрқин ишончаларни бўлиб қўқ ке-риб турибди...



яъни ватанда сафар эт, шиориба амал этиб, йўлда бор-моқдамиз. Вагон гилдирақларининг бир маромда қарибдан теб-риб, деразалардан сўнгсиз борлиқни кузатиб бораркан-ман, хаёлимда Алишер Навоийнинг нури сиймоси гавдаланиб, улуғ шиоримизнинг мисласиз сатрлари қалбимда сазоланади: «Истагандай, бизни саҳ-ройи бағода истангиз, Водий ҳижрон ила даш-ти фанода истангиз».

УМР — МАҚСАДГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Екс: «Чун Навоий ишқ саҳ-ройида ишди, дустлар, Оли у ёқдан келувчи кар-авонадан суран».

Учқудуқ заминиде шундай сўнгсиз сўнгий тоғ тизимла-ри борки... Ҳа, улар ясама тоғ-лар. Ерни қавлаб-қавлаб, қат-лам-қатлам, ич-ичига кириб бориб, неча йиллар мобайни-да вагон-вагон тупроқ жинс-ларидан бир дунё олтинни э-лаб олишган-да азаматлар. Бу — тоғлар ўшанинг ҳосиласи.

Учқудуқ заминиде шундай сўнгсиз сўнгий тоғ тизимла-ри борки... Ҳа, улар ясама тоғ-лар. Ерни қавлаб-қавлаб, қат-лам-қатлам, ич-ичига кириб бориб, неча йиллар мобайни-да вагон-вагон тупроқ жинс-ларидан бир дунё олтинни э-лаб олишган-да азаматлар. Бу — тоғлар ўшанинг ҳосиласи.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг бозоргир бўли-шини қайси жамоа оруз қилмайди, дейсиз? Чўчки олинажак даромад ҳам, корхона шон-шўхрати ҳам шунга боғлиқ-да!

«Гуфик-Авиценна» жаҳонга чиқмоқчи

«Узқўргазмасавдо»да ўтказилган республика ярмарка-сида «Гуфик — Авиценна» Ҳиндистон — Ўзбекистон қўшама корхонаси келгуси йил учун 47,5 миллион сўмлик шарт-нома тузишга эришти.

УЧРАШУВДАН АМАЛИЙ ИШГА

Бундан роппа-роса қирқ йил муқаддам Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизация-ялаш инженерлари инсти-тутида «Қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси» факультети очилган эди.

Муҳим қўлланма

ЖАҲОН ТАРИХИ

янги таҳрирда



Шўролар даврида умумтаълим ва ўрта махсус ўқув тизимида «Ўзбекистон тарихи» фани «СССР тарихи» курсида V синфдан X синфгача бор-йўли 22 соат ўлқашунослик материали сифатида ўрганилиб келинган. Эндиликда махсус фан сифатида ўқув дастурларига киритилди.

Муаллифлар ўзлари олиб борган илмий-методик ва педагогик фаолиятлари давомида аввалги дарсликларда йўл қўйилган камчиликларни муқофасида баҳолаган ва малакаларни шакллантириш борисда таълим усулларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз. Китобда ҳар бир мавзу мўҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўқувчи мустақил фикрлашга йўлловчи янги педагогик усулларга кенг ўрин берилганлиги эътиборга моликдир.

Турғун ТОШПҮЛАТОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоиси.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА «ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ»

Ўтаётган дамлар бизни янги, 2002 йил сари етакламоқда. Инсон доимо келажак орзу-умидлари билан яшайди. Республика ойнаи жаҳони жамоаси ҳам янги йил оқшомида сизу бизга олам-олам шодлик ва уш қайфият улашти мақсадида ранг-баранг байрам дастурларини тайёрламоқда.



Айни пайтда суратга олиш майдончасида иш қизғин. Халқимизнинг энг сара ҳофизлари, парималак раққосалари, эстрада юлдузлари, сўз усталари ва кизиқчилар янги йил оқшомида ўзларининг бор маҳоратларини ишга солидилар.

СУРАТЛАРДА: байрам кўрсатувига тайёргарликдан лавҳалар.

Алишер РИСКИЕВ (Ў.А) олган суратлар.

«УОРЛД КОНЦОРН»НИНГ АЖОЙИБ СОВФАСИ

АҚШнинг Ўзбекистон билан 1993 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётган «Уорлд Концорн» халқаро ташкилоти ташаббуси билан юртимизга 48 турдаги болалар ўйинчоқлари ва бошқа совға-саломлардан иборат 104 тонналик инсонпарварлик юки келтирилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ФОНДИ

2002 йил фундаментал тадқиқотлар соҳасидаги лойиҳалар ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловдан мақсад: фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган янги ва ўзига хос ишларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Танлов шартлари, лойиҳаларини топшириш ва расмийлаштириш қондалари билан ФТДҚ, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигида таништириш мумкин.

Фонднинг почта манзили: 700017, Тошкент ш., Х. Сулаймонова кўчаси, 29-уй, «ФТФ танлов».

Эълон қилинган муддатдан кейин юборилган ёки қанда бўйича расмийлаштирилмаган лойиҳалар танловга қўйилмайди. Маълумот учун телефонлар: 139-16-80, 139-15-40.

Халқимизда: «Қозикнинг боши ҳам, охири ҳам бўлма, ўртаси яхши» деган нақл бор. Донишманд Шарқда бирор жумла бекорга нақлга айланмайди. Бу ўғитнинг, қайсидир маънода, тарбиявий қуввати бор. Аммо биз каби тикланаётган, ўз имкониятларини бор бўйича намоиш этишга, миллат сифатида дунё майдонларига қурб қудратини танитиб, тан олдиришга интилаётган халқ учун ўрта-миёналик мезони у қадар тўғри келмайди.

«Нима кераги бор ўйлашнинг, барибир фалончи ўйлайди...» Ана шундай кайфият одамларни ўртамайна яшаш, ишлашга олиб келади, ташаббускорлик йўлига тўсиқ бўлади. Ватанимиз озод бўлгач, биз фаоллик ҳар бир шахс, қолаверса, бутун бир миллатнинг яшаш эҳтиёжи,

зарига тушган қизларимиз бор улар орасида. Бу қизларнинг ҳаммаси Зулфия мукофоти совриндори бўлмайди. Улар бу ҳақиқатни билишади. Аммо улар жамиятнинг фикрловчи фаол аъзоларига айланишади. Ойлар, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йил-

ўқувчиларнинг бири утюк (ўтги), бири кюск (кўчк) қиёфасига кириб, қанча эларни айланиб, озод Ватанга қайтиб келганини ҳаракатларда кўрсатса, қувномайсизми? Улар бу кўринишни саҳнага олиб чиқиш учун қанча ҳаракат қилишади, қанча ўрганишади. ... Ҳа, ўша ҳаракат, изла-

КУЧЛИ БЎЛИБ ЯШАЙМИЗ

Мен бу ҳақда кўпдан ўйлаб юраман. Институтга кириш олдидан консултациялар бошланганда, бир қиз адабиёт домламинизга: — Биз «Фарҳод ва Ширин» достонидан Фарҳод образини аниқлаш, деб таърифлаймиз. Ҳолбуки, у эътибор мамлакатга учун бирор бир катта иш қилмади. Тоғ кесиб, сув чиқарган бўлса, арман қизи Ширин учун қилди, — деб савол берди.

нинг туйғулари озорланди. У шу-шу фаолликдан кўнгли қолди, ўз ичига бекинди олди. Ингит билан ҳам турмуш қилмади, қачонлардир ўзи орзу қилганидек, ажойиб кашфиётлар қиладиган мутахассис ҳам бўлмади. Ўртамайна одамга айланиб қолди.

Болаларимизга «Камтарга камол, манманга завол», — деб ўргатганимиз яхши. Аммо шу баробарида: «Сен зўр аждоқларнинг авлодсан. Ҳамма яхшиликларга қодирсан, зўрсан, зўр бўлишинг керак (аммо зўравон эмас) дейишга ҳижолат ҳам бўлмаганимиз шарт.

нишлар уларни фаоллаштирадди, ташаббускорликка ўргатади. Қайси жамиятга ўзига, ўз яқинларига бефарқ бўлмаган, тез ва аниқ, адолатли муносабат билдиришга яроқли одамлар кўпайса, бу жамият турғунлик ботқоғига ботмайди, ҳамisha ўсиш, ривожланишда бўлади. Ҳар қандай хасталик жисмоний заиф аъзоларга ёпишади. Кўнгли организм турли хасталикларни енгитишга қодир бўлади. Жамият ҳам, ундаги шахслар ҳам шу.

Домламиниз бир муддатлик сукунатдан сўнг Фарҳоднинг умуминсоният учун қилган яхшиликлари, ҳар бир кишининг эзгу ишлари, аввало, унинг ўз ватанига шўҳрат келтириши ҳақида гапирди. Мен консултациядан сўнг ўша қизга: — Сиз бу савол жавобини билмаганингиз учун сўрамадингиз. Билишингиз шундоққина кўриниб турганда... — деди.

Истеъдодли ёш шoirа Муножот Абдуллаевада фаоллик уйғонгани тасолиф эмас. Ҳукуматимиз томонидан ёш қизларимиз учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти-нинг таъсис этилиши жуда кўп ёш қизларга ўз истеъдодли ишонч ҳиссини уйғотди. Улар тил ўрганишда, мусиқа, рақс, кўшиқ, расм — санъатнинг турли соҳаларида ўз имкониятларини кашф этишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилмоқдалар. Ҳали 20 га кирмайдан илмий изла-нишлари катта давралар на-

лари муносабати билан ўтказилаётган турли тадбирлар — ибратли оилалар, ёш келин-чақалар, ёш оналар кўрик-танловлари, турли соҳа кишиларининг ўзаро беллашувлари — буларнинг ҳаммаси жамиятни ўртамайналикдан илдамликка етаклайди. Аммо бу талбирларда қониларга тушиб қолишдан, зерикари тақрорлардан эҳтиёт бўлиш зарур. Шахснинг ички имкониятларига кўпроқ эътибор берилганда фаоллик ранг-барангланади, ўзига қудрат кашф этади. Фаолликнинг ҳам ўз мезори бор. Акс ҳолда у кишини минбар одамига айлантириб қўяди.

«Узингни жамласанг, лашкарсан!» деган гап бор. Биз фарзандига ўлим хатарини солаётган енгил машинани итариб агадари юборган аёл ҳақида, укасини кут-

Тадбир

АМАЛИЙ СЕМИНАР

Тошкент давлат аграр университетининг қишлоқ ташкил этилган Қўнрақ академик лицейида Тошкент вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ўқув муассасаларида маънавий-маърифий ишларини такомиллаштиришга оид амалий семинар бўлиб ўтди.

биан бирга сингади» мавзусидаги ушбу амалий семинарда 67 та ўқув муассасаларидан 100 га яқин зиёлилар қатнашди. Меҳмонлар лицей иш фаолияти билан танишар эканлар, айниқса, маънавий хонасида ташкил этилган кўргазмали воситалар ҳамда турли ҳикматли сўзлар, ҳаёқ маколлари, ҳадис намуналаридан тайёрланган «Тилло қушчалар парвози» макети уларга яхши таассурот қолдириди. Лицей қошида фаолият юритаётган драма тўғрисида «Истеъдод клуби» қатнашчиларининг чиқишлари барчани хушнуд этди. Ўқувчиларнинг зўкқолиги, улардаги қобилият ва истеъдод саҳна кўринишларида яққол сезилиб турди. «Ҳаёт ва

турмуш одоби» мавзусида Раҳим Мусамухамедов, Зулфия Абдураҳмонова, Матлуба Абдуллаева, Зарофат Абдураимова сингари ўқитувчиларнинг тарбиявий соатлари қизиқарлилиги билан ажралиб турди. Айниқса, ёш инглиз тили ўқитувчиси Нодира Гулсавнинг тарбиявий соати ҳаммага манзур бўлди.

Маъсуда ЁҚУБОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for Volvo Truck Corporation featuring images of trucks and text in Uzbek. Text includes: Volvo Truck Corporation, Gothenburg, Sweden, Швециянинг Ўзбекистон Республикасидаги Volvo Truck Corporation корпорацияси ваколатхонаси, 700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 7-уй, телефон: 120-66-20, телефакс 120-66-30, www.volvo.com

ЖАВОБСИЗ СҮРОҚЛАР

Миш-мишларнинг урчишида асосий ролни тил ўйнайди ёки қулоқми? Ўғирликни қамроқ қилган киши тўғрими? Ҳалоллик ҳақида маъруза... маърузачига ҳам таъсир қиларми? Тавсифнома одамнинг қандай эканлигини билдирадими ёки қандай бўлиши кераклигини? Мақтангулик бирор иш қилмаган одамни қамтар дейиш керакми? Лаганбардорларни бошлиқнинг итига ўхшатишганидан... итлари ранжимасмикин? Маошини ўз вақтида олишни унутмаётган кимса хотираси фаромуш бўлганидан шикоят қилишга ҳаққи борми? Кўтарилиш учун эғилш шартми? Ҳадеб қимларгадир ўхшашга ҳаракат қилаверсак, ўзимизга ўхшамай қолмаймизми? Ҳоҳиб СИДДИК, Анджон.

КУЁВ

Ой тўлган паллада, сой буйида, кўкка термулиб, юлдуз санаб улфатчилик қилишга нима этсан! Бирок гурунг қизиб, кўзни сузиб, сархуш бўлган маҳалинг ҳалиги... «Култамиссиннинг тугаб қолгани чатоқ-да! Ут-ўлан устида ястанган беш улфат бир-бирларига умидворлик билан тикилиши: «Бундай жумарлик қайси бирининг қўлидан келаркин-а?»

хўжалик раҳбарининг эрка куёви бўлсам! Тушунарми? Кутинлар... Идорамнинг биқинида Норжон момо ланган шаҳарлик ули «Тижорат дўкони» очиб берган. Ушанга борсам...



Бердиқобил чайқалганча бориб «Нексия»сини ўт олдириди. ... Дарҳақиқат, Норжон кампирнинг дўкони тиркишдан чироқ ёдуси сизиб турарди. Йигит машинадан тушмай устма-уст сигнал босди. Ниҳоят, дўкон даричаси ярим очилиб, момо овоз берди: — Ким у?! Бемаҳалда нима керак сенга? — Қўрқманг, момошқа... Бу менман! Тург-беш сўм ишлаб олинг деб келдим. Норжон кампир кўлини мангайига соябон қилди. — Танимадим-ку, сени? Кимнинг ули бўласан, де-яман!

Бердиқобил бир оёғини шошиб ерга қўйди. — Оббо, момо-ей... Танимадингизми? Улингизни оғайини, хўжалик раҳбарининг куёвиман-ку! Норжон кампир даричани кенг очди: — Қайсининг куёви дейсанми? Қайси куёви... Ҳа-а, ўзи битта қизи борда-а? Отанг-ни ҳам яхши танирдим. Раҳ-

қолмагани...

ЛАҚАБ

Лақаб деганлари ҳам зулукка ўхшаш ёпишқоқ келаркан... Турсоат отасидан ажралиб, қишлоқнинг нариги четигада баланд тепаликда ўзига иморат солиди, лақаб орттирди-қолди:

ҲАЁТ ҲАНГОМАЛАРИ

матлик Эшқовил тракторчи кўп дуруст одам эди... Бердиқобилнинг аччиги чиқиб, кабинадан иккинчи оёғини ҳам шошиб чиқазди. — Мия ишлайдими, момо? Отамни нега раҳматлик дейсиз... Ҳали тирик-ку?! Норжон кампир бир зум жим қолди. Сўнг ярим қоронғида унинг овози эшитилди. — Мени кечир, улим! Отанг қолиб, қайнотангни отини тутганинга... Энди, қарчилик-да, улим! Бердиқобил жойида тахта бўлиб қотди. Машинага ўтиришга унинг мажози

— Эшитдингларми? Хотинчаси финғир-финғир қилавергач, Турсоат отасидан рўзгорини бўлак қилиб чиқиб кетибди! — Қайси Турсоат? — Ҳов, анови тепаликда уй солган Турсоат дўнг-да! Шундай қилиб Турсоатнинг илк лақаби «Дўнг» бўлди. Бу ном унга ёқмади. Аччиги чиқди. Шу қалар жағни жунбуша келдики, бола-чақасини қаватига олиб, катта дўнгликни бир ҳафта ичида чуқурча қилиб қўйди. Урадан чиққан тупроқ эса иморат теварағидаги деворга кетди. Бирок бундан Турсоатнинг муш-

қили осон кечмади. Ҳамқ-ишқоқлари унга янги лақаб тиркашди: — Бугун гаштак кимникида? — Кимникида бўларди... Анови тепаликдан ҳовуз ясаган бор-ку... Ҳа-а, ўша Турсоат чуқурникида!

Янги лақаб унга баттар оғир ботди. Дарҳол ишга киришди: янги қурган оғилхонасини йиқитиб чуқурга солди, ҳовузча теп-текис бўлди. Турсоат боладимми, дегандай мангай терини сиқиб, енгил тин олди. Бунга ҳам қониқмай елкасига кетмонини қўйганча пастликка энди. Қоронғиликда гўнғир-гўнғир қилиб келаётган икки нафар ҳамқишлоқнинг гап-сўзига қулоқ тутди.

— Қасққа бунча судрайсан? Кимникига кетаяпмиз ўзи?! — Кимникига бўларди... Анови, шундай катта чуқурни тўлдирган овар оғайинимиз бор-ку... — Ҳа-а... Турсоат текисникига демайсинми! Турсоатнинг кетмони елкасидан сирғалиб ерга тушди...

Муҳаммад ОЧИЛ.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН СОТАДИ КАБЕЛЬ (АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТП, ТСВ, ПВ, АПВ, ППВН, ПУНП.) ЛАМПАЛАР (ЛД, ДРЛ, ДНАТ) ЁРИТГИЧЛАР (ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ.) БЮРТМАНГИЗ БЎЙИЧА ЯҚИН ВА УЗОҚ ХОРИЖДАН ШАРТНОМА БЎЙИЧА КЕЛТИРИБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИ БОР

САВОЛ БИЗДАН... Бир кеча-кундузда одам юраги тана орқали қанча қони айлантиради? Шанба сонидан берилган саволнинг жавоби: Дунёда энг катта кутубхона АКШнинг Вашингтон шаҳрида жойлашган. Бу ҳақда Тошкент шаҳридан Фазилат Рузиева, Хусан Раҳматуллаевлар хабар қилишди.

ҲИҚМАТ Юмшоқ табиатлик бўлса жамоли, Илим бирла ҳикматдир одам камоли.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ КОЛЛЕЖ ҚУРИЛИШИ ДИРЕКЦИЯСИ Қўқон шаҳрида қуриладиган 1050/400 (825/300) ўринли академик лицей бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМФАРМАСИ (Soros) ҲАМДА УНИВЕРСИТЕТ ВА МАКТАБЛАРГА КЎМАК БЕРИШ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ (С.N.O.U.S.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижтимоий комплексининг жамоаси бўлиб қолган. Фаррух КАРИМОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИНТОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қозғалди зинда материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмасхонаси.

Босишча топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.50

Жиззаҳда бокс бўйича республика чемпионати ақулланди. Наманганлик Тўлашбой Донёров, фарғоналик Рифкат Эралиев ҳамда Тошкент шаҳри вакили Боҳзод Хидировлар рақибларини катта фарқда Ҳисоб билан доғда қолдиришди.

ШИДДАТ — ҒАЛАБАНИНГ АСОСИ

75 килограмми боксчилар ўрта-санаги яқинлиги баҳсада Андижон вилояти вакили Уткир Хайдаров пойтахтлик Дилшод Абдураҳмонов устидан мудатидан олдин ғалабага эришди. Худди шундай ҳол 91 килограммга бўлган спортчилар учрашувида ҳам содир бўлди. Тошкент вилояти боксчиси Исроил Мадбосевнинг мураббийлари андижонлик Сергей Михайлов билан бўлган учрашувда ҳамкамлардан жангин олдинроқ тўхтатишни сўрадилар.

Б. САТТОРОВ, «Жалқ сўзи» муҳбири.

Табиий дорихона



Ўлкамиз заминида ўсвучи хосиятли ўсимликлар қаторида жилонжийда алоҳида ўрин тутди. Аннобжийда, жилонжийда, чилон, челон, жилонжийда, унаби нони билан юритилган жилонжийданнинг жумрутдошлар оиласида 60 туркум ва 900 дан зиёд тури мавжуд.

Жилонжийданнинг жайдари, оддий ҳамда маданий навлари бўлиб, улар бир-биридан кўриниши, меваларининг шакли, салмоғи билан ажралиб туради. Унинг шифобахшлиги қадим замонлардан бери маълум. Халқ табобатида жилонжийдан дармон бағишловчи, пешоб ҳайдовчи, ҳафакон хасталигида қон

ЖИЛОНЖИДА

босимини пасайтирувчи, балғам кўчирувчи табиий омил сифатида ҳам фойдаланилади. Унинг мевалари юқори нафас йўллари шамоллаганда истеъмол қилинса, балғамнинг осонлик билан кўчишига мойиллик яратди, йўтални қолдиради.

Уз даврида буюқ ҳаким Абу Али ибн Сино ва бошқа ҳакиму замонлар жилонжийда мевасини совуқлик деб ҳисоблаган. Меваси, айниқса унинг талқони буриштирувчи хусусиятга эга. Шу боисдан у ич кетганида илҳобий натижа кўрсатади. Меваси хийла қийин ҳазм бўлади. Кўҳна замон табибларининг фикрича, жилонжийда мевасининг ороқ микдори ични қотиради, бироқ кўпроқ истеъмол этилса, ични суриб кетиши мумкин. Жийда кўкрак ва ўпка оғриғида фойдали. Чунончи, йўтални тўхтади, томоқ оғриғида ва кекирдак йўллари шамоллаганда, кўп қон кетганида, ичак яраларида яхши наф беради.

Маннон НАБИЕВ, дорихона олим.

МУШУК ЁНИДАГИ «НОБЕЛЬ» Мушукнинг офтобдо исинишида гап бор. Донишманд Нильс Финизн кўнчилисининг томидаги мурнинг ёнида исиниб ётган мушукнинг хатти-ҳаракатини кузатибди. Мушук мурини сояси тушиши билан ўридан туриб, яна офтоб тушидан жойга ётиб олган. Финизн мушукнинг бу ҳаракатини кўриб, кўёш нурининг тирик организмга таъсирини ўрганишга киришди ва ундан кишиларни даволашда фойдаланди. Нильс Финизн бу тоғини мувофажиятчи амалга оширишнинг учун 1903 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган.

ҚОНДАН ТАЙЁРЛАНГАН МИХ Хирург А.Н.Филатов 1957 йили ёғли қуруқ қондан миҳ тайёрлаган ва бу миҳларни синган суякларни бирлаштириш учун ишлатган, у ижобий натижалар берган. Мольмотларга қараганда, қондан ишланган «михлар» бир квадрат сантиметр майдонга жойлашганда 500 килограмм юқини кўтарган ва узоқ вақтга бариш бера олган.

ЎЗБЕКИСТОН ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КЎМАК ЖАМФАРМАСИ 2002 йилда Австриянинг Зальцбург шаҳрида ўтказиладиган табиийёт мазмундаги семинарларда иштирок этиш учун ташлаб эълон қилади.

«SALANG-SAVDO» МЧЖ ТАКЛИФ ЭТАДИ ИДОРА БЎЮМЛАРИ

SH Export ОБОРУДОВАНИЕ ОХРАНО-ПОЖАРНОЙ СИГНАЛИЗАЦИИ СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ ДОСТУПОМ